

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Пайарик туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Э.Ш.Олмосов, судья ёрдамчиси С.А.Ҳамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пайарик туман прокурори ёрдамчиси Қ.Хидоятлов, жабрланувчи Р.Маматов, судланувчи М.Маруфова ва унинг ҳимоячиси “Dildora Alimjanovna LAW” адвокатлик бюроси адвокати Д.Алимжонованинг иштирокида, Маруфова Маъмура Шукруллаевнага нисбатан 1-1412-2501/256-сонли жиноят иши кўрилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Маруфова Маъмура Шукруллаевна (Marufova Ma'mura Shukrullayevna) 1991 йил 14 майда Самарқанд вилояти Пайарик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, турмуш курмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Пайарик тумани “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини “Истиқлол” кўчасида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2025 йил 7 августдан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 22 сентябрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевна товламачилик, яъни жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, жабрланувчини ўз мулкини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш мақсадида, 2025 йил 25 июль куни соат 00:46ларда Маматов Рустам Рахмонкулович билан ўзаро жинсий алоқада бўлганлиги жараёнини телефон аппаратида видео тасвирга олганлигини айтиб, Р.Р.Маматовдан 4.000.000 сўм пул маблағларини беришлигини, акс ҳолда, олинган видео тасвирни унинг оила аъзоларига тақдим қилиши билан кўрқитиб, ушбу видео тасвирни унинг оила аъзоларига тақдим қилмаслик учун Пайарик тумани Бунёдкор МФЙдаги кўча ёқасида Сафаров Хасан Бегмуротовичга тегишли бўлган Нексия-2 русумли 30 С 351 ЗА давлат белгили автомашинаси ички салон қисмида ундан 4.000.000 сўм миқдоридagi пулларни талаб қилиб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Шундан сўнг, М.Ш.Маруфова товламачилик, яъни тақдоран, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, жабрланувчини ўз мулкини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш мақсадида, 2025 йилнинг июль ойи охирида Маматов Рустам Рахмонкулович билан Пайарик тумани Томойрот МФЙда жойлашган Х.Сафаровнинг яшаш уйида бўлган ўзаро жинсий алоқа жараёни видео тасвирни қайта унинг оила аъзоларига тақдим қилиши билан кўрқитиб, Р.Р.Маматовдан 2.000.000 сўм пул олиб келиб беришини, акс ҳолда, уни шарманда қилишни маълум қилиб,



2025 йил 06 август куни соат 20:00ларда Пайариқ тумани “Бунёдкор” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи автомашиналар ҳаракатланиш йўли ёқасидаги Х.Сафаровга тегишли бўлган Нексия-2 русумли 30 С 351 ЗА давлат белгили автомашинаси ички салон қисмида Р.Р.Маматовдан талаб қилаётган 2.000.000 сўм миқдоридagi пулларни олган вақтида, Самарқанд вилоят ИИБ ТҚХ АТСЖҚКБ ходимлари томонидан ҳодиса жойида ушланиб, ундан тадбирда ишлатилган 2.000.0000 сўм пуллар ҳолислар иштирокида далилий ашё сифатида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Самарқанд вилояти ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 20 август кунидagi 1068-сонли ҳулосасида Маруфова Маъмура Шукруллаевнадан расмийлаштириб олинган 2.000.000 сўм купюраларини олди ва орқа томонларини юза қисмларида оч-яшил рангдаги махсус кимёвий кўп кукун моддаси излари мавжудлиги, унинг ўнг ва чап қўлларидан суртма олинган пахта тампонларини юза қисмларида оч-яшил рангдаги махсус кимёвий кукун моддаси излари мавжудлиги, фуқаро У.А.Аслановдан олинган жами қиймати 1.000.000 сўм купюраларини олди ва орқа томонларини юза қисмларида оч-яшил рангдаги махсус кимёвий кўп кукун моддаси излари мавжудлиги, М.М.Маруфовадан олинган 2.000.000 сўм купюраларидаги кимёвий кукун билан ва У.А.Аслановдан олинган 1.000.000 сўм купюраларидаги кимёвий кукун излари билан, фуқаро М.Маруфовани ўнг ва чап қўлларидан суртма олинган пахта тампонларидаги махсус кимёвий кукун модда излари махсус кимёвий модда ҳисобланиб, кимёвий таркиблари, нурланиш ранглари бўйича бир-бирларига мос келишлиги, ҳамда намуна сифатида тақдим қилинган пахта тампонидаги махсус кимёвий кукун моддасига ўхшашлиги кўрсатилган.

Судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевна судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, у Пайариқ тумани Томойрот МФЙга қарашли Томойрот қишлоғида яшовчи Сафаров Хасан билан 2019 йилда Севинч номли гўзаллик саломида ишлаб юрган вақтида, ўзаро танишганлиги, у киши билан ҳозирги кунга қадар “Маъмура Маруфова” номли “Facebook” ижтимоий тармоғидаги профили орқали гаплашиб келишлиги, 2025 йил 16 июнь куни Пайариқ тумани Янгиобод МФЙда яшовчи Маматов Рустам билан ҳам “Маъмура Маруфова” номли “Facebook” ижтимоий тармоғидаги профилида танишганлиги, у киши билан телефон орқали ўзаро ишқий муносабатга киришиб келишганлиги, унга Маматов Рустам оиласидан ажрашганлигини, фарзандли бўлмаганлигини, у билан турмуш қуриб фарзанд кўриш нияти борлигини айтганлиги, у ҳам Рустам билан ўзаро оила қуриб, фарзандли бўлишга рози бўлганлиги, у Рустам билан бир неча маротаба Пайариқ туманини турли хил ошхона кафеларида учрашиб юрганлиги, 2025 йил 18 июль куни соат 21:30ларда Маматов Рустамга тегишли бўлган оқ рангли Нексия-1 русумли автомашинасида Турон номли кафедан шашлик олиб, ушбу шашликни автомашинани ичида еганликлари, шундан сўнг Рустам уни ўзига тегишли бўлган Нексия-1 русумли автомашинасида Пайариқ тумани Олмазор МФЙдаги катта канал ёқасига олиб борганлиги, у ерга борганларидан кейин Рустам у билан ўзаро жинсий алоқа қилишни айтганлиги, у Рустамнинг ушбу таклифини эшитиб, бунга рози бўлганлиги, у шундан кейин бир маротаба олд жинсий соҳасига, яъни қинига ўзининг жинсий олатини тиқиб, тахминан 10 секунд вақт оралиғида жинсий алоқа қилганлиги, шундан сўнг



Рустамни автомашинасида Пайариқ тумани Бунёдкор МФЙдаги яшаш уйига келиб, ювиниб олганлиги, шундан кейин тахминан 10 кунлар вақт ўтиб, Рустам билан уни бошқарувида бўлган Кобалт русумли автомашинасида ўзаро гаплашиб ўтиришганлиги, улар Рустам билан гаплашиб ўтирган вақтида унга бегона рақамлар билан ижтимоий тармоқлар орқали гаплашмаслигини айтиб, ижтимоий тармоғидаги профилларни ўчириб ташлаганлиги, уни чап қўлига тақилган ҳолатдаги, нархи 550 АҚШ доллари нархдаги оқ рангли бриллианд кўзчали, кумуш аралаш олтин узугини бармоғидан ечишини айтганлиги, уни ушбу узугини кўздан кечириб, унинг ички қисмига С ҳарфи ва 1989 9 рақамлари ёзилганлигини кўриб, маъносини сўраганлиги, у унга собиқ ёқтирган йигити совға қилганлигини айтганлиги, шундан кейин унга оила аъзолари кўнғироқ қилиб яшаш уйига келишини айтганлиги, у шунда Рустамни автомашинасидан тушиб кетиб қолганлиги, узуги шунда Рустамда қолиб кетганлиги, орадан бир неча кун ўтганидан кейин Рустамдан узугини сўраган вақтида отиб юборганлигини, ўрнига бошқасини олиб беришини айтганлиги, шундан кейин 2025 йилни тахминан 20 июль куни соат 14:00ларда уни Рустам Пайариқ тумани Томойрот МФЙга қарашли Томойрот қишлоғида яшовчи Сафаров Хасанни янги қурилган яшаш уйига олиб бориб, у ерда у билан ўзаро жинсий алоқа қилишини айтганлиги, у ҳар доимгидек жинсий алоқа қилишга розилик билдирганлиги, шундан кейин унга турмуш қуришлигини айтиб, бир мартаба жинсий алоқада бўлганлиги, орадан бир неча кунлар вақт ўтганидан кейин Рустам билан ўрталарида ўзаро келишмовчиликлар келиб чиқа бошлаганлиги, у ундан узугини пулларини беришини айтиб, пул беришни талаб қила бошлаганлиги, агарда пул маблағларини бермайдиган бўлса унинг қайнонаси ва қайнотасига ўрталарида бўлган ишқий муносабатларни айтиб беришини айтганлиги, шундан кейин унга Сафаров Хасан ака кўнғироқ қилиб, Рустамдан пул маблағлари талаб қилаётганлигини сўраганлиги, у Хасан акага Рустам уни узугини пулларини бериши кераклигини, агарда бермаса унинг оила аъзоларига ўрталарида бўлган ишқий муносабатларни айтишини маълум қилганлиги, 2025 йил 25 июль куни соат 00:46да Пайариқ тумани Бунёдкор МФЙдаги кўча ёқасида Рустам акани Нексия-1 русумли автомашинасида ўзаро учрашганлиги, у Рустамдан 3.975.000 сўм пулларни олганлиги, ушбу ҳолатни Рустам ўзига тегишли бўлган телефон аппаратида видео тасвирга олиб турганлиги, у шундан сўнг Рустамни кўз ўнгида 3.975.000 сўм пулларни Хасан акага бериб юборганлиги, чунки ушбу пулларни Хасан ака ўзини усталари учун йиғиб юрганлигини айтганидан кейин, унга “Рустам сизга 4.000.000 сўм пулларни берса, ушбу пулларни оламан, ҳозирча ушбу пулларни ўзингиз ишлатиб туринг” деб айтганлиги, у Хасан акага раҳми келиб пулларни қайтариб берганлиги, ушбу унга берилган 3.975.000 сўм пул маблағларини 2.000.000 сўмини Хасан ака қўшиб турганлиги, улар ушбу жойда бир-бирларини бошқа безовта қилмаслигини айтиб, хайрлашиб кетишганлиги, мазкур ҳолатни Рустам ўзига тегишли бўлган телефон аппаратида видео тасвирга олганлиги, орадан бир неча кун ўтганидан кейин 2025 йил 5 август куни у Рустамга телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ёзиб, қолган узугини 2.000.000 сўм пулларини беришлигини, бермайдиган бўлса унинг оила аъзоларига яъни қайнонаси, қайнотаси ва онасига ўзаро ишқий муносабатларини айтиб беришини, ушбу тўғрисида видео ёзувлар борлигини айтиб, маълум қилганлиги,



унга шундан кейин Хасан ака яъна кўнғироқ қилиб, 2.000.000 сўм пулларни иккаласи биргаликда олиб келиб беришлигини айтганлиги, унга Хасан ака Рустам билан биргаликда 2025 йил 06 август куни кечки соат тахминан 20:00ларда учрашашликни айтиб маълум қилганлиги, унга 2025 йил 06 август куни соат 20:00ларда Хасан ака кўнғироқ қилиб, Рустам билан Нексия-2 русумли автомашинасида келаётганини айтганлиги, у Бунёдкор МФЙдаги ЧОКОТАЙМ ширинликлар дўкони рўпарасида Рустам билан учрашганлиги, учрашган вақтида Рустамни кўлида бўлган 2.000.000 сўм пулларни сохта эканлигини, савдо дўконига кириб, бошқа пулларга айлантириб чиқишини айтганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, Рустам пулларни бир қисмини бошқасига алмаштириб чиққанлиги, у ва Рустам Хасан акани Нексия-2 русумли автомашинасига ўтирган вақтида ундан 2.000.000 сўм пулларни узугини эвазига олганлиги, бироз вақт ўтиб уларни ёнига Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини вилоят ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари эканликларини айтиб, ундан 2.000.000 сўм пулларни расмийлаштириб олишганлиги, у уларга бўлган ҳолатни айтиб, тушунтириш хати ёзиб берганлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашлиги, уни нархи 550 АҚШ доллари бўлган оқ рангли бриллианд кўзчали, кумуш аралаш олтин узугини борлигини исботловчи, расм ва видео тасвирлар, савдо дўконидан харид қилгани бўйича чек қоғози мавжуд эмаслиги, у Р.Р.Маматов билан 2 маротаба ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилганлиги, уни Р.Р.Маматов тезкор тадбир қилиб берганлиги учун жахли чиқиб, номусига текканлиги ҳақида кўрсатма берганлиги, уни содир қилган жиноий қилмишига Х.Сафаровни бирор бир алоқадорлиги ва ушбу у олган пуллардан манфаатдорлиги бўлмаганлиги, у ушбу жиноий қилмишни бир ўзи содир қилганлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевна суд терговида айбига қисман иқдорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд суд терговида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган жабрланувчи Маматов Рустам Қаҳмонқуловичнинг, у Челак шаҳрида яшовчи Маъмура исмли аёлни бир ойлардан буён танишлиги, у билан Фасебоок ижтимоий тармоғи орқали танишганлиги, танишганидан буён у билан гаплашиб, икки маротаба ўзининг таклифига асосан, Пайариқ тумани Томойрот МФЙда яшовчи Хасан исмли шахснинг уйида жинсий алоқада бўлганлиги, ўша пайтда Маъмура унга Хасан таниши эканлигини, унга айтса уйини бериб туришини айтганлиги, Маъмура билан иккинчи маротаба жинсий алоқада бўлганини, бир ойлар ўтиб, Маъмура унга у билан бўлган жинсий алоқа жараёнини видеоёзувга олганлигини, агарда 1.300.000 сўм бермаса, ушбу видеоёзувни унинг яқин қариндошлари ва танишларига кўрсатиб, шантаж қилишини айтганлиги, у унинг гапларидан кўрқиб, “мени тинч қўйсанг бўлди, айтган 1.300.000 сўм пулни бераман” деб айтганлиги, шундан сўнг, у таниши Хасанга бу гапларни айтганидан сўнг, Хасан “тўхтачи мен Маъмура билан гаплашиб кўрайчи” деб телефонни ўчирганлиги, шундан сўнг Маъмура унга телефон қилиб, “сен бир кун кечикдинг энди 1.300.000 сўм эмас 500 АҚШ доллари берасан” деб қолганлиги, орадан қисқа муддат ўтиб, Хасан ака унга



телефон қилиб Маъмура ёмон аёл эканлигини, чёрний магия билан шуғулланишини айтиб, тинчгина 500 АҚШ доллари бериб кўяверишини айтганлиги, орадан бир кун ўтиб Хасан ака уни уйига чақириб, “ўзим гаплашиб бераман” деб айтганлиги, у унга Маъмурага берадиган 500 доллари йўқлигини айтганида Хасан ака “ўзим кўндириб бераман” деб қолганлиги, шундан сўнг у ўзига тегишли бўлган Нексия-1 русумли автомашинада Хасан ака билан Челак шахрига келиб, Маъмурани йўлдан миндириб, Челак шахридаги Чоко тайм дўкони олдига келиб тўхташганлиги, шу пайтда Маъмура автомашина ичида унга “оилангни бузиб юбораман” деб шантаж қилиб, туриб олганлиги, у унга “1.300.000 минг деган эдинг 2.000.000 сўм бераман” деб айтганлиги, лекин Маъмура “пулингни кўтингга тикиб қўй, 500 доллар берасан” деб туриб олганлиги, шу пайтда Хасан Маъмурага “қанча берса кўнасан 4.000.000 сўм берса кўнасанми” деб айтганлиги, шундан Маъмура “берсин фақат ҳозир берса кўнаман” деб жавоб берганлиги, шунда Хасан чўнтагидан 2.000.000 сўм чиқариб Маъмурага берганлиги, у бу жараёнларни телефонига сёмка қилганлиги, шундан сўнг Маъмурани уйига тушириб кетаётган пайтида Маъмура ўша пайтда олган 4.000.000 сўм пуллардан 2.000.000 сўмини Хасанга бериб кетганлигини пайқаб қолганлиги, Маъмурани уйига тушириб кетганидан сўнг, Хасанга “мени аҳмоқ қиляпсанми, Маъмура билан тилинг бир экан сени” деб, ундан 2.000.000 сўм пулларини чўнтагидан чиқарганлиги, шунда у ушбу пулларни Маъмурадан қарзга олиб турганлигини айтиб алдай бошлаганлиги, у унга “олган 2.000.000 пулларимни бераман, қолган 2.000.000 сўмни ўзинг олдинг” деб жавоб берганлиги, шундан сўнг, орадан бир неча кун ўтиб, ҳам Маъмура ва Хасанлар уни тинч қўймай яна пул сўрайверганидан сўнг, у ИИБ ходимларига бу ҳақида хабар беришни ўйлаб қолганлиги ва улар билан бўлган ҳамма суҳбатларни ёзиб ола бошлаганлиги, 04.08.2025 йилда ойлиги тушганидан сўнг, у Хасандан аввал олган 2.000.000 сўмни уйига олиб бориб, берганлиги, шу пайтларда Хасан унга яна 2.000.000 беришини шунда Маъмура тинчишини айтганлиги, у шундан сўнг 07.08.2025 йил соат 15:00 ларда вилоят ИИБ га бориб, бўлган ҳолатни айтиб, унга нисбатан товламачилик қилиб келаётган Маъмура ва Хасанларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, ИИБ ходимлари унинг аризасини расмийлаштириб, икки нафар холис иштирокида унга 5 дона 200.000 сўмлик, 20 дона 50.000 сўмлик пулларни ва овоз ёзиш мосламасини бериб, баённома тузишганлиги, ўша пайтда пуллардан нусха ҳам олишганлиги, у шундан сўнг, Челак шахрига келиб, Хасанни чақириб, 2.000.000 сўм пулларни олиб келганлигини ишини ҳал қилиб беришини айтганлиги, Хасан Челак шахрига қора рангли Нексия-2 русумли автомашинасида келганлиги, улар яна Чоко тайм дўкони олдига бориб, автомашина ичида Маъмурага 2.000.000 сўм пулларни берганлиги, Маъмура пулларни олиб, 200.000 сўмлик купюралар сохта деб ундан мазкур пулларни алмаштириб беришини сўраганлиги, у Чоко тайм дўконига кириб, ўзига нотаниш бўлган савдо дўкони сотувчисидан илтимос қилиб 5 дона 200.000 сўмлик купюраларни 5 дона 100 000 сўмлик ва 10 дона 50 000 сўмлик купюрадаги пулларга алмаштириб, мазкур пулларни Маъмурага берганидан сўнг, ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништиришиб, тезкор тадбир ўтказилганлигини айтиб, пулларни расмийлаштириб олишганлиги ва уларни



Пайариқ тумани ИИБ биносига олиб келишганлиги, ҳозирги кунда судланувчига нисбатан даъво ҳеч қандай давоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

- судда сўралган гувоҳ Сафаров Хасан Бегмуратовичнинг, у Пайариқ 3-сон Политехникумида ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимида ишлаб келишлиги, у Пайариқ тумани “Янгиобод” МФЙ Йўлтепа қишлоғида яшовчи Маматов Рустам исмли йигитни тахминан 10 йилдан буён танишлиги, у ҳам у ишловчи Пайариқ 3-сон Политехникумида у билан бир хил ишда яъни ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимида ишлаб келишлиги, у билан ўрталарида олдиндан бирор бир келишмовчиликлар бўлмаганлиги, у Пайариқ тумани “Бунёдкор” МФЙда яшовчи Марупова Маъмура исмли қизни тахминан 3 йилдан буён танишишлиги, уни танишига сабаб у Челак шаҳрида жойлашган бир танишининг дорихонаси устида яъни иккинчи қаватда жойлашган гўзаллик саломида ишлаб келишлиги, у ўша танишининг дорихонасига тез-тез бориб турганлиги учун Маъмура билан ўша ерда танишиб қолиб, у билан салом-алик қилиб туришлиги, аммо у билан ўрталарида бирор бир ишқий муносабатлар бўлмаганлиги, у билан ҳам ўрталарида бирор-бир келишмовчиликлар бўлмаганлиги, 2025 йил июль ойининг ўрталарида аниқ санаси ёдида эмас, ҳамкасби Маматов Рустам унга қўнғироқ қилиб, ундан Пайариқ тумани Томойрот маҳалласи ҳудудидан ўтувчи автомобил йўли ёқасида жойлашган ҳозирда ҳеч ким яшамайдиган уйининг калитини унга бир соатга бериб туришини сўраганлиги, ундан “тинчликми нима қиласан уйимнинг калитини” деган вақтида, у унга аёл билан танишиб қолганлигини, у билан ўша ерда учрашиб гаплашиб олмоқчи эканлигини ва у танишган аёл уни ҳам танишини, ўша аёлнинг исми Маъмура эканлигини айтганлиги, дастлаб унга уйининг калитини бермаслигимни айтиб рад жавобини берганлиги, кейин яъни бир неча кун уйининг калитини бериб туришини сўраганлиги, аммо унга калитини бераолмаслигини айтиб рад жавобини берганлиги, орадан бир неча кун ўтиб тушлик вақтида унинг яшаш уйига Маматов Рустам ўзининг оқ рангли нексия-1 русумли автомашинасида келиб, сигнал чалиб уни чақирганлиги, у уйдан чиқиб қараган вақтида унинг машинасида таниши Маъмура ҳам ўтиранлигини кўрганлиги, ўша вақтда ҳамкасби Маматов Рустам ундан яъни уйининг калитини бериб туришини сўраганлиги, у унга яна рад жавобини берган вақтида, таниши Маъмура ва Маматов Рустам унга у ерда бирор бир ножўя ҳаракатлар қилмасликларини, у ерда фақат иккаласи ўзаро гаплашиб олишларини айтиб, ундан бироз вақтга уйининг калитини бериб туришини илтимос қилишганлиги, Маматов Рустам ҳамкасби бўлганлиги, Маъмура ҳам таниши бўлганлиги сабабли уларнинг илтимосига йўқ дея олмасдан уларга уйининг калитни бериб юборганлиги, орадан 20 минутлар ўтиб у уларнинг ортидан уйига борган вақтида улар у ердан чиқиб кетишганлиги, орадан бир неча кун ўтиб таниши Маъмура унга қўнғироқ қилиб, унга телефон рақамини ҳамкасби Рустамдан олганлигини, Рустам ҳақида бир иккита саволлари борлигини айтиб, Рустамнинг оиласи ҳақида фарзанди бор ёки йўқлиги ҳақида турмуш ўртоғи билан ажрашган ёки ажрашмаганлиги ҳақида сўраганлиги, у саволларига жавоб бериб, ундан буларни нима сабабдан сўраётганлигини сўраганида, ҳамкасби Рустам агар унга у фарзанд туғиб берса унга уйланишини ваъда қилганлигини айтганлиги, орадан бир неча кун ўтиб ҳамкасби Маматов Рустам унга қўнғироқ қилиб, Маъмура унга



шантажлик қилиб яъни уни яшаш уйда ўзаро жинсий алоқа қилишганликлари тўғрисидаги видео тасвири борлигини, ушбу видео тасвирни яқин қариндошларига кўрсатиб беришлиги тўғрисида ундан дастлаб 1.300.000 сўм пул сўраётганлигини, аммо ҳозир унинг ёнида бунча пули йўқлигини айтиб, ундан унга қарзга пул бериб туришини сўраганлиги, шундан сўнг унга яна Рустам кўнғироқ қилиб, дастлаб сўраган 1.300.000 сўм пуллари беришга рози бўлган вақтида, Маъмура ушбу фикридан қайтганлигини, энди 500 АҚШ доллари пулларни талаб қилаётганлигини, “бирор нима қилиб, Маъмура билан гаплашиб ҳал қилиб беринг” деб айтганлиги, у шундан сўнг Маъмурага кўнғироқ қилган вақтида Рустам унинг қўлидаги бир дона узугини олиб кўчага отиб юборганлигини, ўша узуги қимматбаҳо бриллиант кўзли эканлигини, шунинг учун ундан 500 АҚШ доллари пул талаб қилаётганлигини, агарда ушбу пулларни бермаса, Рустам билан унга тегишли бўлган Томойрот МФЙдаги яшаш уйда ўзаро иккаласи қизил рангли протинада жинсий алоқа қилганлигини ўзига тегишли бўлган телефонига видео тасвирга олиб қўйганлиги, ушбу тўғрисидаги видео тасвирини унинг яқин қариндошларига тарқатиб юборишлигини айтганлиги, у шундан кейин Рустамга Маъмура эндиликда унга у ўша куни узугини отиб юборганлигини айтаётганлигини, мазкур ўзиги бриллиант кўзли узук бўлганлигини айтиб, ундан ушбу узукни топиб беришини ёки узук учун унга 500 АҚШ доллари миқдорида пулларни беришини сўраётганлигини айтганлиги, бундан ташқари Рустамга уйда Маъмура билан борган вақтида ўзаро жинсий алоқа қилиш жараёнини видео тасвирга олганлигини айтганлигини, маълум қилганида, у Маъмуранинг бирор бир бриллиант кўзли узугини олмаганлигини, Маъмура унга тухмат қилаётганлигини, бундан ташқари видео тасвирга олган бўлиши мумкинлигини, у уни телефонига видеога олган бўлиши мумкинлиги, “у билан гаплашиб унда бирор бир видеоси бор ёки йўқлигини билиб беринг, у менга видео бор дегандек бўлди, агар видеоём бўлса у билан гаплашиб ўша видеони учуриб ташлашлигини айтинг, у сизнинг танишингизку, сизни айтганингизни қилиши мумкин” деб ундан илтимос қилганлиги, кейин унга 2 млн сўм қарзга пул бериб туришини ўша пулни Маъмурага олиб бориб беришини айтганлиги, у унга беришга пули йўқлигини айтиб, унга Маъмура билан бир гаплашиб кўришини, унинг мақсади нима эканлигини билиш кераклигини айтганлиги, кейин ўша вақтда Рустамнинг ёнида Маъмурага телефон қилганлиги, Маъмура билан гаплашиб ундан нима бўлаётганлигини, Рустамдан нима сабабдан 500 АҚШ доллари сўраётганлигини сўраган вақтида, Маъмура унга ундан ушбу 500 АҚШ доллари пулларни у отиб юборган ўзига тегишли бўлган бир дона бриллиант кўзли узуги учун сўраётганлигини айтганлиги Рустам телефонда гаплашаётган вақтларида ундан бриллиант кўзли узугини бирор маротаба отиб юбормаганлигини, унга тухмат қилганлигини айтган вақтида, бўлмаса Рустамни яқин қариндошларига видео тасвирни кўрсатиб шарманда қилишини айтганлиги ва унга уларнинг ўртасидаги муносабатларига аралашмаслигини сўраганлиги, шундан сўнг Рустам унга “ака Маъмура менга “агар мен сўраган 500 АҚШ долларни бермасанг, уйинга ва ишхонанга бориб сени шармандангни чиқараман” деб айтаяпти, ака уйимда онамнинг соғлиғи яхши эмас, уйимга борса шарманда бўламан, ака менга бир ёрдам қилиб, Маъмура билан гаплашиб уни тинчлантириб шу масалани тинч йўл



билан ҳал қилишга ёрдам беринг, менинг унга беришга унақа катта пулим йўқ, агар у уйимга ва ишхонамга борса, сиз ҳам мен ҳам шарманда бўламиз, ҳолат сизнинг уйингизда бўлганку, шунинг учун ҳам ёрдам қилинг” деб айтганлиги, ўша вақтда у ҳақиқатдан ҳам Маъмура унинг уйига ва ишхонасига келса у ҳам ўртада уларга уйини калитини берганлиги учун шарманда бўлишини ўйлаб унга ёрдам қилишга Маъмура билан шу масалада гаплашиб кўришга рози бўлганлиги, ўша куни Рустам унинг яшаш уйидан кетганидан сўнг, у Маъмурага телефон қилиб, Рустамнинг унга айтган гапларини унга айтиб, унда Рустам ва у иккаласининг бирор бир видеоси бор ёки йўқлигин сўраган вақтида, Маъмура унга видеоси бор ёки йўқлиги ҳақида бирор бир аниқ жавоб айтмасдан “ака сиз бизни ўртамаздаги муносабатимизга аралашманг, ўзимиз келишиб оламиз” деб айтганлиги, у унга Рустамнинг пули йўқлигини, у сўраётган пулни ҳозир бераолмаслигини айтганлиги, у бир амаллаб 2 млн сўм пул топиб бераолиши ҳақида унга айтганлигини айтиб, ундан унинг уйига ва ишхонасига келмаслигини агар келса у ҳам уйининг калитини уларга бериб турганлиги учун шарманда бўлиши мумкинлигини айтиб, ундан ўша 2 млн сўмни олиб шунга рози бўлишини илтимос қилганлиги, аммо бунга Маъмура кўнмаганлиги, кейин Маъмура унга “ака майли сизнинг ҳурматингиз учун Рустам менга 500 АҚШ доллари эмас, 5.000.000 сўм пул берсин” деб айтганлиги, шунда у Маъмурага Рустам 5 млн сўм пул беришга широти йўқлигини айтиб, камроқ пул сўрашини илтимос қилганидан сўнг, Маъмура унга Рустам 4.000.000 сўм пул беришига рози бўлганлиги, кейин бу ҳақида Рустамга айтганлиги, Рустам унга “ака менга 2.000.000 сўм қарз бериб турасиз, уша пулни Маъмурага бераман, кўнса кўнди, кўнмаса хоҳлаган жойига видеони тарқатаверсин” деб айтганлиги, шунда у Рустамга “Рустам сен нега энди бунақа ўйин қиляпсан, боя келиб “нима бўлса ҳам Маъмура билан гаплашинг ака шарманда бўлмаслигимиз учун ҳал қилиб беринг, нима деса рози бўлинг, мен билан гаплашмаяпти” деб у билан гаплашишимни сўраган эдинг, сенинг гапингга ишониб мен Маъмура билан гаплашдим, у 4.000.000 сўмга рози бўлди, мен унга 4.000.000 сўм беришимизни айтиб қўйганман” деб айтганлиги, кейин у яшаш уйидан усталарининг иш ҳаққи учун деб йиғиб қўйган пулидан 4.000.000 сўм пулларни олиб чиққанлиги, Рустам ундан 2.000.000 сўм олиб шу пулни Маъмурага беришини бошқа пул бермаслигини айтганлиги, кейин унга у билан биргаликда Маъмурани ёнига боришини, Маъмурани ўша пулга кўндириб беришини илтимос қилиб уни ўзи билан Маъмурани олдига олиб борганлиги, у ерда Маъмурага дастлаб Рустам 2.000.000 сўм пул берганлиги, аммо Маъмура ундан ушбу пулларни олмасдан, у билан оғзаки тортишиб жанжаллашиб кетганлиги, кейин у улар эртага ёзув чизув қилиб ўзи ҳам шарманда бўлмаслиги учун уларни танчлантириб, чўнтагидаги қолган 2.000.000 сўм пулларни ҳам олиб Рустамнинг қўлидаги 2.000.000 сўм пулга қўшиб 4.000.000 сўм қилиб Маъмурага пулларни беришганлиги, ушбу пулларни Маъмура санаб олганлигини Рустам телефонига расмга ва видеога олганлиги, у ўша вақтда Рустам ундан ушбу 4.000.000 пулларни қарзга олиб тураётганлигини, унинг узининг пули йўқлигини, у унга ушбу пулларни уйда ишлаётган усталарнинг иш ҳаққи учун деб йиғиб қўйган пулларида олиб қарз сифатида бериб тураётганлигини айтганлиги, шунда Маъмура ушбу 4.000.000 сўм пулларни Рустам ундан қарз олганлигини, у уйдаги усталарининг иш ҳақи



учун деб йиғиб турган пулларида унга ушбу пулларни қарз сифатида бериб тураётганлигини эшитиб, унга “Хасан ака агар бу пулларни сиздан қарз сифатида олинаётган бўлса, сизнинг уйингизда усталарингиз ишлаётган бўлса, бу пуллар ҳам усталарингизга бериладиган пул бўлса, ака мана олинг бу пулларни, усталарингизга ишлатаверинг, Рустам қачон сизга 4.000.000 сўм берса, менга ўша пулларни берасиз” деб айтиб унга 4.000.000 сўм пулларни қайтариб берганлиги, бу ҳолатни Рустам ҳам кўриб гувоҳи бўлганлиги, кейин Рустамнинг машинасида келаётган вақтида, Рустам унга “ака нима учун Маъмура пулларни сизга қайтариб берди, сиз у билан келишиб олганмидингиз, пулларни бўлиб олдиларингизми” деб ундан шубҳаланганлиги, шунда у Рустамга Маъмура билан бирор нарсани келишиб олмаганлигини, у билан ушбу пулларни ҳам бўлишиб олмаганлигини, у ушбу пулларни ундан қарзга олганлигини, ушбу пуллар унинг уйидаги усталар учун берилиши лозим бўлган пуллар эканлигини билганлиги учун усталарга ушбу пулларни ишлатишини, Рустам қачон унга пул берса шунда унга пулларни беришини айтиб пулларни тўлиқ унга қайтариб берганлигини маълум қилганлиги, шунда Рустам унга ойлик иш ҳақи тушса унга 2.000.000 сўм беришини айтиб кнн яшаш уйига ташлаб кетганлиги, 2025 йил 6 август куни Рустам унинг яшаш уйига келиб “ака 2.000.000 сўм менга бериб турган қарзингизни олиб келдим” деб айтганлиги, у унга Маъмура 2.000.000 сўмга кўнмаслигини, унга 4.000.000 сўм пулларни олишини айтганлигини айтиб, унга 4.000.000 сўм бериши кераклигини айтганлиги, шунда Рустам “ака Сиз нима Маъмура билан шерикмисиз, нега унинг ёнини олаяпсиз” деб айтганлиги, шунда у Рустамга у Маъмура билан ҳеч қандай шерик эмаслигини, унга яхшилик қилиш учун унинг ўзининг илтимосига кўра Маъмура билан гаплашганлигини, Маъмура ундан 4.000.000 сўм пул сўраганлигини, шунинг учун унга 4.000.000 сўм бериш кераклиги ҳақида айтаётганлигини тушунтирганлиги, кейин Маъмурага кўнғироқ қилиб, Рустам унинг яшаш уйига 2.000.000 сўм пул олиб келганлигини, беришга бошқа пули йўқлигини айтган вақтида Маъмура унга ушбу 2.000.000 сўм пулларни ундан олиб қолмаслигини, пулларини ундан ўзи олиб олишини айтганлиги, у Маъмуранинг гапларини Рустамга айтганлиги, кейин Рустам пулларни олиб қайтиб кетганлиги, кейин Маъмура билан яна гаплашиб Рустамнинг шароити йўқлигини ўша 2.000.000 сўм пулларни ҳам аранг топиб келганлигини айтиб ундан ўша пулга рози бўлишини илтимос қилганлиги, дасталаб Маъмура ўша пулга рози бўлганлиги, кейин у бу ҳақида Рустамга кўнғироқ қилиб айтиб, Маъмура 2.000.000 сўмга кўнганлигини, унга пулларни олиб бориб беришини айтганлиги, орадан бироз вақт ўтиб Рустам унинг яшаш уйига келиб 50 минг сўмлик купюрадаги жами 1.950.000 сўм пулларни ташлаб кетганлиги, у бу ҳақида Маъмурага айтган вақтида у унга ушбу пулларни пластик картасига ташлаб юборишини, қолган пулларни Рустам берса шунга қўшиб узук олишини айтганлиги, у унга бироз олдин 2.000.000 сўмга рози бўлганлигини нима сабабдан яна қолган 2.000.000 сўмни ҳам сўраётганлигини сўраганида Маъмура 2.000.000 сўм узук учун етмаслигини айтиб 2.000.000 сўмга кўнмаганлиги, кейин у Рустамга яна кўнғироқ қилиб, Маъмура 2.000.000 сўмга кўнмаганлигини, яна 2.000.000 сўмни ҳам беришини сўраётганлигини айтганлиги, шунда Рустам унга “ака унга яна 2.000.000 сўм топиб берсам мени тинч қўядими, топиб бераман унга эртага” деб айтганлиги, 2025 йил 7 август



куни Рустам унга қўнғироқ қилиб, “ака мен Россиядаги жўраларим билан гаплашиб улардан пул сўрадим, улар тушлик вақтидан сўнг менга пул ташлаб беришади, ўша 2.000.000 сўмни сиз билан биргаликда Маъмурага олиб бориб берамиз, фақат ака битта шартим бор, у билан гаплашиб берасиз, у менинг олимда барча видеоларимни ўчиради, мени тинч қўйишга ваъда беради, уни шунга қўндириб рози қилиб берасиз” деб айтганлиги, шунда у Рустамга уларнинг ўртасидаги масалага энди ортиқ аралашмаслигини, унга бирор бир муаммо керак эмаслигини, ўзлари қандай қилиб келишиб олса келишиб олишларини, Маъмура учун у сўз бераолмаслигини, у аёл киши эканлигини, хоҳлаган вақтида фикри ўзгариб қолиши мумкинлигини, унга унинг ҳам Маъмуранинг ҳам ҳеч нарса(пули) керак эмаслигини айтиб уни тинч қўйишларни айтганлиги, Рустам эса унга кун бўйи телефон қилиб, “ака сиз мен билан бирга бормасангиз бўлмайди, Маъмура мен билан гаплашмайди, мен у билан яна жанжаллашиб қоламан, энди охиригача туриб бериб ёрдам қилинг ака, шу ишни ҳал қилайлик, шарманда бўлмайлик” деб илтимос қилиб қўймаганлиги, кейин у билан бирга боришга рози бўлганлиги, ўша куни яъни 07 август куни соат 19:00лар атрофида Рустам унга қўнғироқ қилиб, машинаси носозлигини устада эканлигини айтиб, уни Челак шаҳрига чақирганлиги, у ўзига тегишли “Нексия 2” русумли автомашинасида унинг ёнига келганлиги, кейин у билан биргаликда Маъмурани яшаш уйи кўчаси бошига бориб, Маъмурани чақирганлиги, Маъмура машинага келиб ўтирганлиги, шунда Рустам унга “мен сенга ҳозир 2.000.000 сўм берсам мени тинч қўйишга ваъда берасанми, менинг барча видеоларимни ўчириб ташлайсанми” деб сўраганлиги, шунда Маъмура унга “барчасини учираман, сени қайтиб безовта қилмайман” деб айтганлиги, шунда Рустам қўлидаги 2.000.000 сўм пулларни унга узатиб, “Хасан ака мана 2.000.000 сўм пуллар, уларни санаб олиб, Маъмурага беринг” деб айтганлиги, шунда у Рустамга унга унинг ҳеч қандай пул-мули керак эмаслигини, унинг қўлидаги пулни ҳам олмаслигини, ушламаслигини пулни Маъмуранинг ўзига қўли билан беришини айтганлиги, кейин Рустам қўлидаги пулларни Маъмурага берганлиги, Маъмура ундан пулларни санаб олиб, ўша пулларнинг ичида бўлган 5 дона 200.000 сўмлик пулларни ҳақиқий эканлигига шубҳаси борлигини айтиб уларни бирор бир дўкондан майдалаб беришни Рустамга айтганлиги, кейин ўша яқин атрофдаги савдо дўконига боришганлиги, кейин Рустам билан тушиб савдо дўконига киришганлиги, Рустам пулларни майдалаб олиб чиқиб, ўзи ўша ерда қолишини айтиб, машинада ўтирган Маъмурага пулларни узатганлиги, Маъмура ундан пулларни олиб санаб олаётган вақтида уларнинг ёнига бир неча фуқаролик кийимида ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништириб, тезкор тадбирга тушганликларини айтиб, Маъмурадан пулларни ҳужжатлаштириб олишганлиги, кейин ўша ердаги савдо дўконига кириб 200.000 сўмлик 5 дона пуллани ҳам олиб чиқишганлиги, кейин уларни туман ИИБ биносига олиб келишганлиги, у туман ИИБ ходимларига ушбу ҳолатга уни ҳеч қандай алоқадорлиги ва моддий манфаатдорлиги йўқлиги, у фақат ҳамкасби Рустамга ёрдам қилиш учун ва у билан шарманда бўлмаслик учун унга ёрдам берганлигини айтганлиги, у ва таниши Маърупова Маъмура билан ўрталарида, ҳамкасби Маматов Рустамдан 500 АҚШ доллари ёки 4.000.000 сўм пулларни олиш ва ўзаро бўлиб олиш бўйича бирор бир келишув бўлмаганлиги, Маъмура Рустамдан олган пулларидан у ҳеч



қандай моддий манфаатдор бўлмаганлиги, у ҳамкасби Р.Маматовга унинг Маъмура Марупова билан ўрталаридаги масаласини ҳал қилиб беришликни унинг ундаги видеоларни учириб беришликни ваъда қилиб бунинг эвазига Р.Маматовдан пул маблағи талаб қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Судда сўралган қўшимча гувоҳ С.Қличевнинг, у Пайариқ туман ИИБ ҳузуридаги ТБда терговчи лавозимида ишлаб келишлиги, мазкур жиноят ишининг кўзгатилишига тезкор тадбир ўтказилиши, аризачи Р.Маматовнинг аризаси бўлгани иш юзасидан тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатлари асос бўлганлиги, судланувчининг айби тергов вақтида ўз исботини топганини сўроқ баённомалари ва юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказилганлиги, барча ҳаракатлар жиноят процессуал талаблари асосида амалга оширилиб, айблов хулосаси тузилиб, тасдиқлаш ва тегишли судловликка бериш масаласини ҳал қилишлик учун туман прокурорига юборилганлиги, тергов вақтида ҳеч кимга тазйиқ бўлмаганлиги, барча сўроқ баённомаларини ўқиб кўриб, сўнг имзолаб беришганлиги ҳақидаги;

Бундан ташқари, судда кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Ж.Абдурахмонов ва Ш.Давроновнинг дастлабки терговдаги кўрсатуви, жиноят иши материалларида мавжуд бўлган ҳужжатлар, яъни жиноят ишини кўзгатиш ва иш юритувига олиш қарори, Р.Маматовнинг аризаси, тушунтириш хатлари, тадбир ўтказиш учун пул бериш, ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш, ундан далилий ашёларни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи М.Маруфованинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

26-моддасида, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи асосида, далилнинг мақбуллиги ва холислиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳа, агар уни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигидан келиб чиқиши кераклиги, бартараф қилишнинг имкони бўлмаган шубҳалар судланувчининг тўлиқ айби ёки айбловнинг алоҳида эпизодлари бўйича ҳам топилиши мумкинлиги, шу қарорнинг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевна жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, жабрланувчини ўз мулкани беришга мажбур қиладиган шароитга такроран солиб кўйишда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи М.Маруфовани жабрланувчидан ўзининг узугини пулини талаб қилганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг мазкур важларини диққатга сазовор эмас деб ҳисоблайди ва терговда судда сўралган жабрланувчи Р.Маматовнинг кўрсатувлари ҳамда М.Маруфова, Р.Маматов ва Х.Сафаровлар ўрталарида бевосита овозли ёзувлар акс этган сўзлашувлар баённомаси билан рад қилиниши лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб кўрастилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ушбу кодекс 42-моддасига мувофиқ эса, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.



Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади деб кўрсатилган.

Ушбу Кодекс 54-моддасининг 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жинояткодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур Пленум Қарори 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи М.Маруфовага нисбатан жазо тайинлашда, унинг пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғараз ниятда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Тиркашев Холмухаммад Мансуровичга нисбатан жазо тайинлашда, муддатини белгилашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчига етказилган моддий ва манавий зарарлар тўлиқ бартараф этилганини, аёл киши эканлигини, қарамоғида ногирон кекса отаси борлигини, ўзининг касаллигини, жабрланувчини судланувчига даъвоси йўқлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, қайд этилган судланувчини айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни унинг айбини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир этган жинояти учун ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда, тайинланаётган жазо унинг ахлоқан тузалиши учун етарли деган қатъий фикрга келиб, қонун санкцияда кўрсатилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони М.Маруфованинг Пайариқ тумани “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини “Истиклол” кўчасидаги уйда ўташини белгилашни ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари, қолган вақтда уй-жойидан чиқиш тақиқлашни, шунингдек унга нисбатан келгусида бошқа жиноий ҳаракатлар содир этишини олдини олиш мақсадида назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатишни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан эҳтиёт чораси сифатида қамокда



ўтирган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегиришни, қўлланилган қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, уни дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган овозли ёзув ёзиб олинган икки дона ДВД диск, судга оид кимёвий экспертиза илова қилинган 1, 2 ва 3-сонли қоғоз пакетларга қадоқланган далилий ашёлар жиноят иши билан сақлашни;

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган 4, 5 ва 6-сонли конвертлардаги 2.000.000 сўм пул маблағи жабрланувчи Р.Маматовга, 1.000.000 сўм пул маблағи Ў.Аслановга, бир дона “Samsung A13” русумли телефон апарати судланувчи М.Маруфованинг яқин қариндошларига тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олишни лозим топди.

Шу билан бирга суд, жабрланувчи манфаатдор тарафларга иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаролик судлов тартибида муурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб суд,

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Маруфова Маъмура Шукруллаевна (Marufova Ma'mura Shukrullayevna) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Маруфова Маъмура Шукруллаевнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан М.Маруфованинг дастлабки қамоқда ўтирган 3 ой 3 кунини ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегирилсин ҳамда ўташ учун 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой 27 (йигирма етти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевнанинг Пайариқ тумани “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини “Истиклол” кўчасида яшаш уйида ўташлиги белгилансин ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари, қолган вақтда уй-жойидан чиқиш тақиқлансин.

Судланувчи Маруфова Маъмура Шукруллаевнага қуйидаги қўшимча чекловлар юклатилсин.

- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- Пайариқ туман ҳудудини тарк этмаслик;

Маруфова Маъмура Шукруллаевнани ҳулқи устидан назорат олиб бориш Пайариқ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.



М.Маруфовага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дархол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган овозли ёзув ёзиб олинган икки дона ДВД диск, судга оид кимёвий экспертиза илова қилинган 1, 2 ва 3-сонли қоғоз пакетларга қадоқланган далилий ашёлар жиноят иши билан сақлансин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида расмийлаштирилиб олинган 4, 5 ва 6-сонли конвертлардаги 2.000.000 сўм пул маблағи жабрланувчи Р.Маматовга, 1.000.000 сўм пул маблағи Ў.Аслановга, бир дона “Samsung A13” русумли телефон апарати судланувчи М.Маруфованинг яқин қариндошларига тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:  
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Э.Ш.Олмосов

